# ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллиги ҳамда Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги ва Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмиталарининг қўшма мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, қўмиталар, компания ва корпорациялар, уюшма ва бирлашмалар, корхона ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосарлари иштирок этди.

Мажлисни Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмиталарнинг раиси И.Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри ва вилоятларда Ўзбекистон мустақиллигининг етти йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ шоири, байрамни ўтказиш сценарийсининг муаллифи А.Орипов, бош режиссёри Р.Ҳамидов, маданият ишлари вазирининг ўринбосари Б.Абдураҳимов, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг раиси Т.Зокировнинг ахборотлари тингланди.

Таъкидландики, юртимизда бу энг улуғ, энг қутлуғ байрамга ҳар қачонгидан ҳам пухта ва қизғин ҳозирлик кўрилаётир.

Тақдирини жонажон Ўзбекистонининг буюк келажаги билан боғлаган, мамлакатимиз тобора юксалиб, жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бораётганидан чексиз фахрланаётган ҳар бир фуқаро байрамнинг муносиб кутиб олинишига ўз улушини қўшишга интилаётир.

Республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида улуғ айём шарафига кенг ҳажмда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳрида жамики юбилей иншоотларини мустақиллик кунигача фойдаланишга топшириш мўлжалланяпти. Байрамга атаб бутун республикада ободонлаштириш ойлиги ўтказилади. Турар жойлар, кўча ва хиёбонлар, дам олиш масканлари, спорт иншоотлари тартибга келтирилади. Жойларда, маҳалла ва гузарларда Мустақиллик шарофати билан амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида давра суҳбатлари ва учрашувлар уюштирилади.

1998 йилнинг мамлакатимизда Оила йили деб эълон қилингани муносабати билан жойларда байрам шарафига ўтказиладиган барча тадбирларда ана шу мавзу етакчи ўринни эгаллаши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Байрам кунлари қаровчисиз қолган оилалар, ногиронлар ва болалар уйларининг тарбияланувчиларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Мажлисда байрам томошасининг сценарий режаси кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Режага кўра тантаналарнинг асосий қисми Тошкентнинг Мустақиллик Бош майдонида бўлиб ўтади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда эришган улкан ютуқларни намойиш этиш байрамнинг асосий ғоясини ташкил қилади. Тегишли ташкилотларнинг раҳбарларига байрамга ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда, шунингдек, буюк алломалар Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди. Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Ҳасанов, диний ишлар бўйича қўмита раиси Ш.Мирмаҳмудов, Фарғона вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Отабоев, Фанлар академиясининг президенти Т. Жўраев, Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтининг директори А. Аҳмедов шу хусусда ахборот берди.

Мажлисда Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний таваллуд тўйлари кенг кўламда нишонланиши, тадбирда хорижий давлатлардан кўплаб таниқли олимлар, мутахассислар ва меҳмонлар иштирок этиши кутилаётганига эътибор қаратилди. Юбилейга атаб бу беназир алломаларнинг асарлари чоп этилаётгани, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар яратилётгани таъкидланди. Айни вақтда юбилей иншоотларида олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш, қурилиш сифатига жиддий аҳамият бериш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари Ў. Раҳматов, Т. Рисқиев, Бош вазир ўринбосарлари Л. Аҳметов, М. Усмонов, Р. Юнусов қатнашди.

**(ЎзА).**

*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

**1998 йил 30 май, шанба • № 64 (22.301).**

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## АЛКОГОЛЛИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УЛАРНИНГ АЙЛАНИШИ УСТИДАН ДАВЛАТ МОНОПОЛИЯСИНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА АЛКОГОЛЛИ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШДАН БЮДЖЕТГА ТУШУМНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сифатсиз ва қалбаки маҳсулотлар кириб келишидан истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, алкоголли ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат назоратини кучайтириш, уларни олиб келиш, ишлаб чиқариш ва сотишдан бюджетга даромадлар кафолатли тушишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки:

1998 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган алкоголли маҳсулотларга акциз солиғи, уни ҳисоблаб чиқаришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда, 90 фоизли ставка бўйича ундирилади;

маркаланадиган товарларни импорт қилувчилар акциз солиғини тўлиқ миқдорда тўлаганларидан кейин акциз маркаларини сотиб оладилар;

алкоголли маҳсулотларни қуйиш учун идишлар, маркалайдиган ва тиқинлаб беркитиш материаллари фақат алкоголли ичимликлар ишлаб чиқариш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлган юридик шахслар, шунингдек, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг ташқи савдо ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда импорт қилинади;

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорлари билан импорт қилувчиларга бож тўловлари бўйича берилган имтиёзлар улар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига алкоголли ва тамаки маҳсулотлари олиб келинишига жорий этилмайди;

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали транспортнинг барча турлари билан алкоголли ва тамаки маҳсулотларини транзит қилиш фақат божхона назорати остида ва уларни кейинчалик чегарадош давлатларнинг ваколатли органларига топшириб, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали божхона кузатувига олганлик учун 200 ЭКЮ миқдорида тўлов ундирилган ҳолда амалга оширилади.

2. Белгилансинки, акциз маркалари расмий ҳужжат ҳисобланади, уларни қалбакилаштириш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка олиб келади.

«Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда алкоголли ва тамаки маҳсулотлари учун ҳимоялаш даражаси кучайтирилган акциз маркаларининг янги намуналари тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

1998 йил 1 июлдан бошлаб олиб келинаётган ва ишлаб чиқарилаётган алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этилсин ҳамда 1998 йил 1 сентябрдан бошлаб илгари амалда бўлган акциз маркалари билан маркаланган алкоголли ва тамаки маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш тақиқлансин.

Акциз маркалари тизимини жорий этиш бўйича идоралараро комиссия /Ҳамидов Б.С./ алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартибини ўн кун муддатда тасдиқласин.

«Ўзкимёсаноат» уюшмаси «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси билан биргаликда акциз маркаларини елимлаш учун юқори ва паст ҳароратга ҳамда турли даражадаги намликка чидамли махсус елимни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва ишлаб чиқаришга жорий этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси спирт ва акциз маркалари билан маркаланадиган маҳсулотларнинг республика ҳудудига ноқонуний олиб келинишининг олдини олиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар кўрсин. Божхона постларини мустаҳкамлаш юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсин.

4. «Ўздавстандарт» маркази «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси ва «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини назорат қилишни таъминлаш мақсадида қалбакилаштиришдан ҳимояланган мувофиқлик белгилари /этикетка ва тиқинларда/ни жорий этсин ва алкоголли маҳсулотларни кўрсатиб ўтилган мувофиқлик белгилари билан маркалаш тартибини бир ой муддатда тасдиқласин.

1998 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан мувофиқлик белгилари мавжуд бўлмаган алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши тақиқлансин.

5. «Ўздавстандарт» маркази «Ўзкимёсаноат» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини, идишларга қуйилишини, сақланишини ва улгуржи сотилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш юзасидан Низом ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ҳисобга олинмаган алкоголли маҳсулотлар ва спирт ишлаб чиқарилишининг олдини олиш мақсадида «Ўзкимёсаноат» уюшмаси «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси билан биргаликда спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш технология линияларини бу маҳсулотларни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашни ташкил этиш тўғрисида икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва «Ўздавстандарт» маркази билан биргаликда спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни, ҳисобга олинмаган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш йўлларини аниқлаш учун зарур ҳолларда уларни ишлаб чиқариш учун хомашё етказиб берувчи корхоналарда ҳам муқобил текширишларни назарда тутган ҳолда, шунингдек фойдаланилган хомашё миқдори ва сифати ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва сифатига мувофиқлигини ялпи текширишдан ўтказсинлар.

Текшириш натижалари тўғрисида 1998 йил 1 августгача Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, алкоголли маҳсулотлар фақат юридик шахслар томонидан турғун савдо тармоғи орқали сотилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

1998 йил 1 июндан бошлаб алкоголли маҳсулотларнинг майда чакана савдо тармоқлари /савдо залига эга бўлмаган дўконлар, киоскалар ва палаткалар/да, деҳқон бозорларида ва улгуржи бозорларда сотилишини тўхтатиш чора-тадбирларини кўрсинлар;

акциз маркалари билан маркаланмаган алкоголли маҳсулотларни сотганлик учун юридик шахсларни алкоголли маҳсулотлар сотиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома /лицензия/лардан маҳрум қилсинлар.

9. Белгилаб қўйилсинки:

спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар раҳбарлари — хомашё ресурларини сарфлаш ва уларни сақлаш, ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ҳамда уни назорат қилиш тартиби бузилганлиги, белгиланган стандартларга мувофиқ келмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилганлиги, уларни акциз маркалари билан маркалаш қоидаларига риоя қилинмаганлиги учун;

юридик шахсларнинг раҳбарлари ҳамда тегишли мансабдор шахслари ва жисмоний шахслар - ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан акциз солиғи солинадиган маркаланмаган маҳсулотлар ортиб жўнатилганлиги учун, шунингдек, уларнинг ноқонуний тайёрланганлиги, олиб келинганлиги, сақланганлиги, транспортда ташилганлиги ва сотилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилган жавобгарликка тортиладилар.

Савдо тармоқларида акциз маркаси бўлмаган алкоголли ва тамаки маҳсулотлари сотилганлиги учун маҳаллий давлат солиқ хизмати органи раҳбарлари ва мансабдор шахсларига эгаллаб турган лавозимидан бўшатишгача бўлган жавобгарлик юклансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 ноябрдаги 418-сон қарорига қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси молия вазири акциз солиғи солинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарда молия инспекторлари таркибини қайта кўриб чиқсин ва бир ой муддатда ушбу лавозимларни юқори малакали мутахассислар билан бутласин.

11. «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда акциз солиғи солинадиган маҳсулотларни олиб келиш, транспортда ташиш, ишлаб чиқариш ва сотиш тартибига риоя қилишга оид олиб борилаётган тадбирларни ва қонун бузувчиларга нисбатан кўрилаётган жавобгарлик чора-тадбирларини кенг ёритсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда ҳукуматнинг тегишли қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир Ў. Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 21 май

## ЯНГИ УЮШМА ТУЗИЛДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Театр арбоблари уюшмаси, атоқли санъат намояндалари ва кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг театр ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси негизида Маданият ишлари вазирлиги тизимида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошида Театр ижодкорлари уюшмасини ташкил этиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди.

Шу муносабат билан 28 май куни Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис иштирокчилари ушбу ҳужжатнинг моҳиятини чуқур баҳолаб, театр ижодкорлари олдида турган долзарб вазифаларни белгилаб олдилар.

Йиғилишда Театр арбоблари уюшмасининг ўз фаолиятини тўхтатганлиги ҳамда ваколатини янги ташкил этиладиган Театр ижодкорлари уюшмасига бериши ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилинди. Уюшмага раҳбарлик қилиб келган Б. Қориевага Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси топширилди.

Шу куни «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги Театр ижодкорлари уюшмасининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Унда янги уюшманинг Низоми қабул қилинди ва раҳбар органлари сайланди. Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирининг ўринбосари, «Ўзбектеатр» бирлашмаси бош директори М. Абдуқўндузов уюшманинг раиси этиб тасдиқланди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги БАЁНОТИ

Халқаро ахборот агентликларининг хабарларига қараганда, 1998 йил 28 май куни Покистон Ислом Республикасида туркум ядро портлатишлари амалга оширилган. Бу воқеа Ўзбекистонда катта ташвиш ва хавотир билан кутиб олинди ҳамда Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига жиддий таҳдид, бутун жаҳон ҳамжамиятини масъулиятсизларча менсимаслик, деб баҳоланди.

Дунёнинг аҳоли энг зич жойлашган минтақаларидан бири - Марказий Осиё билан бевосита чегарадош бўлган Покистондаги ядро портлатишлари бутун жаҳон ҳамжамияти Ҳиндистонда ўтказилган шундай ядро синовларини қоралаганидан сўнг амалга оширилгани алоҳида ташвиш туғдирмоқда.

Бир вақтлар Жанубий Осиёда ядросиз зонани барпо этишга даъват қилган Покистон ҳозир ўзининг ташқи сиёсий мавқеини тубдан ўзгартиргани ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда. Воқеаларнинг бундай давом этиши минтақада ядровий қуролланиш пойгасининг янги даврасига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Жанубий Осиёда ядро қуроли синовларини ўтказиш халқаро ҳамжамиятнинг барқарор ва хавфсиз дунёни қуриш йўлидаги куч-ғайратларига путур етказади, ядро қуролини ишлаб чиқариш ва тарқатишни изчиллик билан тақиқлашгина XXI аср бўсағасида умумий хавфсизликнинг ишончли негизи бўлиши мумкин ва лозим, деган қатъий фикрга асосланади.

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ташаббускори ва ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги ҳамда ядро синовларини бутунлай тақиқлаш ҳақидаги шартномаларнинг иштирокчиси бўлган Ўзбекистон дунёда оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши чиқмоқда ва қандай ниятларга асосланган бўлмасин, ҳар қандай ядро синовларини қатъиян қоралайди.

Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиб, махсус мажлис чақиришни ҳамда Жанубий Осиёда юз берган вазиятга баҳо беришни илтимос қилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Покистон Ислом Республикаси ҳукуматини ўз мамлакатининг Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома ҳамда Ядро қуролини бутунлай тақиқлаш тўғрисидаги шартномада белгиланган доирадаги ядро қуролини тарқатмаслик ва ядровий қуролсизланишнинг умумий режимига тезроқ қўшилиши учун барча зарур чораларни кўришга даъват этади.

**Тошкент шаҳри,**
**1998 йил 29 май.**

## ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ҚОРАЛАМОҚДА

*28 май куни Покистон ҳам беш марта ядро синови ўтказганидан сўнг икки мамлакат ўртасидаги ҳисоб тенглашди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан, АҚШ Президенти Билл Клинтон, Германия Президенти Роман Герцог ва бошқа давлат раҳбарларининг ядро синовларини ўтказишга шошилмаслик ҳақидаги талабларига қарамай, Покистон ядро портлатишлари ўтказди. Покистон Бош вазири Навоз Шариф биз беш марта ядро портлатиши ўтказганимиздан сўнг, Ҳиндистон билан ҳисоб тенглашди, деди. Айни пайтда минглаб покистонликлар асосий шаҳарларнинг кўчаларига чиқиб ушбу воқеани байрам қилишаётир. Навоз Шариф ўз мамлакати ядро қуролларини тарқатмаслик ғояларига қўшилишини ва Покистон Ҳиндистон билан музокаралар ўтказишга тайёр эканлигини айтди. БМТ Бош котиби Кофи Аннан эса иккала томонни ядро қуролларини тарқатмаслик ҳақидаги шартномани имзолашга даъват этди. Шунингдек, Жанубий Осиёдаги икки ядровий давлатни олий даражадаги музокаралар ўтказишга чақирди. АҚШнинг БМТдаги вакили Билл Ричардсон Вашингтон Хавфсизлик Кенгашида ушбу минтақада қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун барча чораларни кўради, деб ишонтирди.*

*Покистон шу кунларда даҳшатли ўт билан ўйнашмоқда. У 1700 километр масофага уча оладиган «Ғхори» ракеталарига жанговар ядро каллаклари ўрнатди. Бу ҳақда Покистон Бош вазири ҳузуридаги аниқ манбалардан хабарлар олинди. Манбаларнинг айтишича, Покистон шу йўл билан ҳар қандай душманга қатъий жавоб бериши мумкин. Навоз Шарифнинг айтишига кўра, Покистон Ҳиндистон билан Жамму ва Кашмир штатларидаги муаммоларни ҳам ҳисобга олган ҳолда музокаралар юритишга, шунингдек, Жануби-Шарқий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларида келишиб олишга тайёр, деди. Шу билан бирга покистонлик олимлар, биринчи навбатда атом энергияси соҳасидаги таниқли мутахассис, профессор Абдул Қодир Хонга ташаккур айтди.*

*Покистон томонидан ўтказилган бешта ерости ядро портлатиши жаҳон жамоатчилигининг ғазабини келтирди. Чунончи, АҚШ Президенти Билл Клинтон жаҳон жамоатчилигининг даъватларига қарамай, ядро синовлари ўтказилганлигини қоралади. Покистон қўшниси Ҳиндистон ядро синовлари ўтказганидан сўнг сабр ва матонат ҳамда босиқлик кўрсатмай, ядро портлатиши ўтказганлиги ачинарлидир, деди у. Бу билан Покистон ўз хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жаҳон олдидаги ўзининг сиёсий обрў-эътиборини яхшилаш имкониятидан маҳрум бўлди. Шу боис ҳам АҚШ Покистонга нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўллашга мажбур. Оқ уй матбуот котиби Майкл Маккэрри Покистонга нисбатан қўлланиладиган Американинг иқтисодий жазо чоралари пакети аллақачон тайёр бўлган, деди. Бу чоралар яқин кунларда қўлланилади.*

*Покистонда ўтказилган ерости ядро синовлари Осиё минтақасидаги барқарорликка жиддий путур етказади ва жаҳондаги жўғрофий-сиёсий вазиятга зарар етказади. Бу ҳақда Россия разведка бошқармасидаги юқори мартабали шахс айтди.*

*Тинчлик ва барқарорлик фақат музокаралар йўли билан таъминланиши мумкин, деди Германия ташқи ишлар вазири Клаус Кинкель. Жануби-Шарқий Осиёдаги барқарорликни таъминлаш йўлидаги ҳаракатларни янада давом эттириш зарур, деди у. Германия ҳукумати Исломободнинг ушбу ҳаракатини қоралаб, икки мамлакатни босиқликка ундади.*

**«Интернет» тизими хабарлари асосида тайёрланди**

## ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА — ИЛМИЙ МУАММОЛАР

29 май куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида «Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари» мавзуида анъанавий илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Анжуман иштирокчилари ялпи мажлисда фалсафа фанлари докторлари А. Жалолов, О. Файзуллаев ва Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси Ҳ. Раҳмонқуловларнинг оила муаммосининг фалсафий жиҳатлари, фалсафа фанининг шу кундаги вазифалари, мустақил Ўзбекистонда мулк ҳуқуқининг ривожи масалаларига бағишланган маърузаларини тингладилар.

Республиканинг деярли барча минтақаларидан келган тадқиқотчилар, жумладан ёш изланувчилар, конференциянинг фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг турли йўналишларига оид шўъбаларда илмий ишларнинг асосий натижалари, навбатдаги вазифалар, мазкур фанлар соҳаларининг мамлакатимиз ривожига қўшиши лозим бўлган ҳиссасини ошириш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Конференция иштирокчилари маърузаларининг 2 жилдли тўплами чоп этилди.

Анжуман ишида ЎзРФА Иқтисод, фалсафа ва ҳуқуқ фанлари бўлими раиси О. Ҳикматов иштирок этди.

**С. ШЕРАЛИЕВ**

## 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни

***БАХТЛИ БОЛАЛИК***

**Равил АЛЬБЕКОВ олган сурат**

# МАФКУРАВИЙ ИШ – ПАРТИЯМИЗ ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

## КУЧ — БИЛИМДА

**«Билим — нурдир, билимсизлик — ғафлат».**
**Халқ мақоли.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 480 мингдан зиёд аъзоларининг мутлақ кўпчилиги — олий ва тугалланмаган олий ҳамда ўрта махсус маълумотли кишилар, уларнинг орасида кўплаб фан докторлари ва номзодлари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий ва мухбир аъзолари бор. Катта ақлий салоҳиятга эга бўлган партиядошларимиз, ХДП дастурий ғоялари ва мамлакатимиз раҳбариятининг туб ислоҳотлар йўли мазмун-аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, юртимизда рўй бераётган ўзгаришларда, шунингдек, партиямиз ташкилотларининг серқирра фаолиятида иштирок этмоқдалар.

Бироқ, янгиланиш жараёнларининг жадал суръатлари ва мисли кўрилмаган ўзгаришларнинг содир бўлаётганлиги туфайли ижтимоий тараққиёт тўғрисидаги билимларимиз муайян даражада эскирмоқда, янги қоида ва тамойиллар, тушунчалар, атамалар пайдо бўлмоқда, ижтимоий тафаккур, миллий маънавият шаклланмоқда, бой маданий меросимиз тикланмоқда, мустақил давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойимоқда. Ижтимоий ҳаётнинг бундай жўшқин ривожланишидан орқада қолмаслик, унинг асосий тамойиллари ўзанларида ҳаракат қилиш, ҳамиша замон талаблари даражасида бўлиш партиямизнинг ҳар бир аъзосидан ўз билим доираларини доимий равишда кенгайтириб боришни, ислоҳотлар йўлидаги чуқур ўзгаришлар моҳиятини, шунингдек, ташкилотимизнинг улардаги ўрни ва муносабатини ҳар томонлама ўрганишни тақозо этади. Ахир, мир Алишер Навоий айтганларидек:

**«...Агар огоҳсен, сен, шоҳсен, сен».**

Албатта, партиямизнинг кўпгина аъзолари ўз устларида доимо ишлайдилар, юртбошимизнинг асарларини мутолаа қиладилар, ижтимоий-сиёсий адабиётларни кузатиб борадилар. Лекин, турли сабабларга кўра ҳамма ҳам шундай қилиш имкониятига эга эмас. Шуни ҳисобга олиб, қатор партия ташкилотлари ХДП аъзоларининг, хусусан унинг сафларига янги кўшилганларнинг, сиёсий ва маданий савиясини оширишга кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор бермоқдалар. Мана бир неча далиллар:

**Сурхондарё вилояти** партия кенгаши ижроия бюроси, Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг республика Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини партия аъзолари томонидан ўрганишни уюштиришга оид кўрсатмаси асосида, бу ишни жойларда ташкил этиш хусусида махсус қарор қабул қилди. Мазкур қарорга мувофиқ, юртбошимиз асарларини барча бошланғич партия ташкилотларида ўрганиб чиқиш ташкил этилди, шу ҳақда кўплаб маъруза ва суҳбатлар ўтказилди. Шўрчи ва Қизириқ туман партия кенгашларида эса, ушбу китобда кўтарилган масалаларга бағишланган илмий-назарий анжуманлар ташкил этилди. Вилоят кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинар машғулотларида долзарб муаммоларга оид маърузалар ўқилмоқда, қизиқарли мулоқотлар бўлиб ўтмоқда.

* * *

Олий Мажлис депутатлари, партия фаоллари, олимлар, маданият ва санъат намояндалари жалб этилган **Қашқадарё вилояти** партия кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинар машғулотларида ҳам муҳим сиёсат, иқтисод ва маънавиятга доир мавзулар юзасидан маъруза ва суҳбатлар бўлаётганлиги сабабли, улар тингловчилар таҳсинига сазовор бўлаётир.

***

Ўзбекистон ХДП **Тошкент шаҳар** ташкилоти пойтахтдаги бошланғич партия ташкилотларида сиёсий ўқувларнинг мунтазам ҳаракатдаги тизимини шакллантириш масалалари билан анчадан буён шуғулланиб келмоқда. Тўпланган тажрибани ўрганиш асосида, айтиш мумкинки, бу ерда ҳар бир туман, мавзе, маҳалланинг ўз шарт-шароитидан келиб чиқиб, сиёсий ўқувларнинг хилма-хил шаклари — сиёсий клублар, илмий-амалий анжуманлар, ахборот соатлари, «давра суҳбатлар»и, мулоқотлар, учрашувлар, семинарлардан кенг фойдаланилмоқда. Уларда Республика Президенти И. А. Каримовнинг маъруза, нутқ ва китобларининг мазмун-моҳияти, Олий Мажлис сессиялари ҳужжатлари, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган муҳим қарорлар, ХДП Дастури ва Миллий истиқлол мафкураси, Ўзбекистон раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсати ҳамда ислоҳотларнинг бориши, ҳуқуқий маданиятни оширишга оид мавзулар тўғрисида машғулотлар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда.

**Мирзо Улуғбек тумани** партия кенгаши ташкил этган сиёсий клубнинг фаолият кўрсатишига беш йилдан ошди. Унинг мунтазам ўтилаётган машғулотларида сиёсий, маданий-маърифий маъруза ва мулоқотлар билан бир қаторда бошланғич партия ташкилотларининг иш тажрибаси, уларнинг етакчиларини қизиқтираётган долзарб амалий масалалар кўриб чиқилмоқда, тингловчилар (туман партия кенгаши аъзолари, БПТ котиблари, партия гуруҳлари ташкилотчилари, фаоллар)га тегишли тавсиялар берилмоқда. Клубнинг айрим машғулотлари жойлар (маҳаллалар, меҳнат жамоалари)да ўтказилиши муносабати билан уларнинг иштирокчилари сони жиддий тарзда кўпаймоқда. Бу ишга жамиятшунос олимлар, адабиёт ва санъат намояндалари, партия масъул ходимлари кенг жалб этилмоқда. Туман партия кенгашининг фаоллар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида ҳуқуқ факультетини ташкил этиши ҳам диққатга сазовордир. Унинг дастлабки машғулотларида Тошкент юридик институти кафедраси мудири М. Усмоналиев, туман ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш. Умаров, фалсафа фанлари докторлари Н. М. Маматов ва О. Файзуллаевлар маъруза қилдилар.

* * *

**Хоразм вилояти** партия кенгашининг раҳбарлигида барча йирик бошланғич ташкилотларда, 1992—1993 йилларидан буён, партия ўқувларининг, асосан, сиёсий тўгараклар ва сиёсий клублар каби шакллари муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Жорий йил бошига келиб, вилоят бўйича, 646 та сиёсий тўгарак ва 87 та сиёсий клуб тузилган бўлиб, уларда 17970 нафар тингловчи (ХДП аъзоси ва партиясиз) бор. Уларнинг ишини ташкил этиш (машғулотларни ўтказиш, одамларни жалб қилиш, тарғиботчиларни танлаш ва ҳоказолар) билан бошланғич ташкилотлар бевосита шуғулланадилар. Вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари эса услубий ёрдам кўрсатиш (семинарлар ўтказиш, плакатлар чиқариш в. ҳ.) ни ўз зиммаларига олганлар.

* * *

**Бухоро шаҳар, Бухоро ва Жондор туманлари** партия ташкилотларида фаолият кўрсатаётган сиёсий клублар, назарий семинар ва сиёсий тўгаракларда юзлаб ХДП аъзолари долзарб ижтимоий-сиёсий муаммоларни ўрганмоқдалар, мамлакатда ва дунёда бўлаётган муҳим воқеалар ҳақида ишончли маълумотлар олиб, мутахассисларнинг шарҳлари билан танишмоқдалар, мулоқотлар давомида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Уларнинг тингловчилари аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга жалб қилинаётир.

* * *

**Тошкент вилояти** ХДП кенгаши ўтган йилдан бошлаб, партия ходимлари ва фаоллари ўқувини мунтазам ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Дастлабки машғулот Чирчиқ шаҳар партия ташкилоти негизида бўлиб ўтди. У ХДП шаҳар ва туман кенгашларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда бошланғич ва ҳудудий ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатишни яхшилаш масалаларига бағишланди. Ангрен шаҳар, Чиноз ва Паркент туман кенгашларида ўтказилган машғулотларда ички партиявий ҳаёт ва маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини талаблар даражасида ташкил этиш масалалари муҳокама этилди.

Диққатга лойиқ жойи шуки, шаҳар ва туман ҳокимликлари вакиллари, корхона, ташкилот, муассаса ва хўжалик раҳбарлари иштирокидаги ушбу ўқувлар жараёнида ўзаро ҳамкорлик тажрибаси ўрганилди, истак ва таклифлар билдирилди. Амалий машғулотлар тарзидаги ушбу мулоқотлар давомида тингловчилар (партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари котиблари, фаоллар) ижобий иш тажрибаси билан танишдилар, кундалик ҳаётда дуч келинаётган мураккаб масалалар ечими хусусида маслаҳатлашиб олдилар.

**«...Миллий онг ва демократик тафаккур тарбиясини кучайтирайлик!»**
**И. А. КАРИМОВ**

*Туғилиши, оёққа туриши ва нуфузли сиёсий куч сифатида ўзини намоён этиши миллий мустақиллигимиз билан чамбарчас боғланган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг кўп қиррали фаолиятида мафкуравий ишлар устувор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. ХДПнинг дастурий мақсадлари ва мамлакатимиз йўлбошчиси томонидан асослаб берилган, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизда туб иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш, маънавий янгиланиш, ҳуқуқий демократик жамиятни бунёд этиш, Ватанимизни жаҳонга танитиш, диёримизда тинчлик ва осойишталикни асраб қолишга қаратилган тақдиршумул ғояларини партиямиз аъзоларининг шуурига айлантириш ва аҳоли барча табақалари орасида кенг ёйиш каби ишлар билан партиямизнинг барча даражалардаги ташкилотлари шуғулланиб келмоқдалар. Ўзбекистон ХДПнинг Миллий истиқлол мафкураси қабул қилинганидан сўнг, уларнинг бу соҳадаги ишларида мунтазамлик ва мақсадлилик тамойиллари кучайди,*

*Кейинги пайтларда партиямиз тузилмаларида республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилишга катта эътибор берилмоқда. Марказий Кенгаш ва маҳаллий партия ташкилотларида уюштирилган қатор анжуман, мулоқот ва «давра суҳбатлар»и, аҳоли ўртасида ўтказилган кўплаб маъруза ва суҳбатлар шулар сирасига киради.*

*Шунингдек, мамлакат парламенти сессиялари ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини фуқароларга тушунтиришда давлат идоралари ва бошқа мутасадди ташкилотларга яқиндан кўмак берилмоқда. Чунончи, Олий Мажлис XI сессиясида қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашдаги аҳамиятига доир масалалар Марказий Кенгаш ҳузуридаги илмий-назарий семинар иштирокчиларининг ҳам диққат-марказида бўлди. Партиямиз матбуоти, айниқса, «Ўзбекистон овози» газетаси ушбу мавзуга оид қатор чиқишлар қилди.*

*Албатта, ХДП маҳаллий ташкилотларининг мафкуравий, оммавий-сиёсий ишлари ҳаётнинг ўзидек ранг-баранг ва хилма-хил. Қуйида эълон қилинаётган ашё шундан намуналардир.*

*Ўзбекистон ХДП Сирғали туман кенгашида ўтказилган ҳуқуқий тарғибот масалаларига бағишланган учрашувдан лавҳа.*

*Урганч шаҳар 15-маҳалла ХДП бошланғич ташкилоти бюросида партия ўқуви масаласи муҳокама этилмоқда.*

## ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

**«...Ўзбекистон ХДП ғояларини кенг тарғиб этиш, унда оммавий-сиёсий ишларнинг тажрибада синалган шакл ва воситаларидан, ...ғоявий-сиёсий, маданий-маърифий ишлар билан шуғулланувчи тегишли давлат муассасалари, жамоат ташкилотларининг имкониятларидан самарали фойдаланмоқ даркор».**
***Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасидан.***

Партиямиз вужудга келгандан буён ўтган даврда унинг ташкилотлари аҳоли турли қатламлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиб, улар билан ҳамдард-ҳамнафас бўлишга, ҳамюртларимиз орасида турли оммавий-сиёсий ишларни ўтказишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Чунончи, **Бухоро вилояти** партия такшилоти корхоналар, хўжаликлар, аҳоли истиқомат жойларида олиб бораётган тушунтириш ишларида тарғибот гуруҳларидан кенг фойдаланмоқда. 23 кишидан иборат ХДП вилоят кенгашининг тарғибот гуруҳи таркибида партиядан сайланган вилоят Кенгаши депутатлари Б. К. Расулов, Х. Ж. Жумабоев, Ж. Иззатов, Я. Н. Хожиев, Т. А. Аҳмедов, шунингдек, вилоят «Маҳалла» жамғармаси раиси И. Жумаев, «Нуроний» жамғармаси раиси О. Х. Вафоев, Бухоро технология институти профессори М. Мустафоев ва бошқалар бор. Улар мазкур кенгаш мафкуравий ишлар бўлими мудири С. А. Мамедов бошчилигида, республика Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби бўйича, «Бухоротекс» акционерлик жамияти, шаҳар ички ишлар бўлими, темир-бетон заводи, Ҳамза номли ўрта мактабда, Бухоро технология институти, вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят касалхонаси ва бошқа ташкилотларда маъруза, суҳбат, «давра суҳбатлар»и уюштирдилар, бошланғич партия ташкилотларига ёрдам кўрсатдилар. Бундай тадбирлар қатор шаҳар, туман партия кенгашлари томонидан ҳам ташкил қилинди.

* * *

**Андижон вилояти** партия кенгаши, юртбошимизнинг юқорида номи кўрсатилган асарининг ҳаётбахш ғоя ва қоидаларини жамоатчиликка етказиш мақсадида, вилоят ўлкашунослик музейи билан ҳамкорликда илмий-амалий анжуман ўтказди. Тадбирда Ўзбекистон ХДП вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари раҳбарлари ва масъул ходимлари, бошланғич, ҳудудий партия ташкилотлари котиблари-ю фаоллари, музей ходимлари, илмий-техник ва ижодий зиёлилар иштирок этдилар. Корхона, хўжалик, маҳалла ва ташкилотларда ҳам ушбу китобга бағишлаб, кўплаб суҳбат ва мулоқотлар уюштирилди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туман ХДП кенгашлари, ҳаттоки, йирик бошланғич партия ташкилотларида таниқли инсонлар, партия ишига муносиб ҳисса қўшган фахрийларга бағишлаб, «Ёднома», «Хотира», «Йўқлов» кечаларини ўтказиш яхши анъанага айланди. Ушбу тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида ўлар ҳақида видеофильмлар, фотоальбомлар, қўлланмалар тайёрланмоқда.

**Андижон шаҳар** партия кенгаши қошида маданий-маърифий ишларни ташкил қилишга кўмакдош 17 кишидан иборат сайёр тарғибот гуруҳи ва сиёсий клуб фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг фаол иштирокида Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Шароф Рашидовларнинг юбилейларига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Гуруҳ фаоллари, Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция аъзолари билан ҳамкорликда, шаҳарнинг корхона, ташкилот, маҳаллаларида «Чўлпон — Андижоннинг фахри!» каби кўплаб бошқа учрашув, кеча, суҳбатларда иштирок этдилар. Шунингдек, Жалолқудуқ тумани партия кенгаши томонидан ташкил қилинган «Ватанни севмоқ иймондандур», «Маҳалла, мактаб, милиция», Пахтаобод тумани кенгаши томонидан уюштирилган «Маҳалла — отанг, онанг» кечалари ҳам эътиборга лойиқдир. Андижон вилояти партия ташкилотларида оммавий-сиёсий тадбирларга турли соҳада меҳнат қилувчи кишиларни, яъни ишлаб чиқариш ва халқ таълими, тиббиёт, маданият, матбуот ходимларини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни жалб этишга катта эътибор берилмоқда. Бунинг эса партиямиз дастурий ғояларини аҳоли ўртасида кенг ёйишда, ташкилотларимизнинг фуқаролар билан алоқаларини янада мустаҳкамлашда аҳамияти беқиёс.

***

Ўзбекистон ХДП **Жиззах вилояти** партия ташкилоти аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда, биринчи навбатда, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш ходимлари, санъатчиларга таянмоқда. Масалан, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган маърузалар, давра суҳбатлари, илмий анжуманларни бутун вилоят бўйлаб уюштиришда улар фаоллик кўрсатдилар.

Амир Темур ва машҳур темурийлар, беназир алломалар — Имом ал-Бухорий, Ал-Фарғоний ва бошқа атоқли аждодларимиз (Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ф. Хўжаев...) ҳақида аҳолига, хусусан, ёшларга тўлароқ маълумот бериш мақсадида, маъруза ва суҳбатлар билан бир қаторда, маҳалла ва ўқув масканларида кўргазмали ташвиқот воситаларидан фойдаланилмоқда. Жиззах давлат педагогик институти, Жиззах саноат техникуми, Ғаллаорол тиббиёт билим юрти, Учтепа енгил саноат коллежида уюштирилган шундай тадбирларда ХДП аъзолари ҳам ҳисса қўшдилар.

* * *

**Қашқадарё вилояти** партия ташкилотида аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга партия кенгашлари қошида тузилган, олимлар, ўқитувчилар, мутахассислар, маданият ходимларидан иборат, тарғибот гуруҳларининг аъзолари билан бир қаторда, мамлакат парламенти ва маҳаллий Кенгашларнинг депутатларини мунтазам жалб қилиш йўлга қўйилган. Масалан, Олий Мажлис депутатлари С. Усмонов, Ф. Омонов ва Б. Юсуповлар давлат олий қонун чиқарувчи идорасининг ҳар бир сессиясидан кейин сайловчилар, аҳоли турли табақалари вакиллари, партия фаоллари билан учрашиб, унинг иши ва қабул қилинган ҳужжатлар тўғрисида сўзлаб, тарғиботчи-ташвиқотчиларга маслаҳатлар бермоқдалар. Айрим (масалан, Муборак ва У. Юсупов) партия кенгашлари меҳнат жамоаларида маданий-маърифий тадбирларни маъмурият билан тузилган шартнома асосида ташкил этмоқдалар.

* * *

Ўзбекистон ХДП **Сирдарё вилояти** кенгаши қошида тузилган, 25 нафар олимлар, ижодкорлар, тажрибали тарғиботчилардан иборат, махсус комиссия партиямизнинг Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этиш ва рўёбга чиқариш ишларини мувофиқлаштиради.

Комиссия, «Мулоқот» сиёсий мунозара клуби билан биргаликда, вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида турли оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар уюштирмоқда. Мисол учун, 1997 йил — Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши муносабати билан, ХДП ташкилотлари ташаббускорлигида, касаба уюшмалари, хотин-қизлар кенгашлари, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари иштирокида, меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат жойларида, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган, бир қатор сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар (суҳбатлар, кечалар, учрашувлар в. ҳ.) ўтказилди. Ёки Оқолтин туманида вилоят қасаба уюшмалари, прокуратура, хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорликда «Инсон манфаатлари — қонун ҳимоясида» мавзусида «давра суҳбати» ўтказилишини, Гулистон туманининг Деҳқонобод қўрғончаси ҳудудий партия ташкилоти негизида «Ҳудудий партия ташкилоти, маҳалла, жамоатчилик» мавзусида семинар ўтказилганлигини кўрсатиш мумкин.

ХДП вилоят кенгаши, 1995—1997 йиллар мобайнида, Миллий истиқлол мафкураси, маънавият ва жамият мавзуларида икки марта илмий-амалий анжуманлар ўтказди. «Мулоқот» клубининг Мирзаобод тумани ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими ва хотин-қизлар кенгаши, республика ёшлари «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда уюштирилган, «Миллий истиқлол мафкураси ва ёшлар тарбияси» мавзуидаги, машғулот жуда қизиқарли бўлди. Унинг тафсилоти вилоят радиоси ва телевидениеси ҳамда «Сирдарё ҳақиқати» газетасида кенг ёритилди. Сайхунобод туманидаги «Янгиобод» ширкатлар уюшмаси бошланғич партия ташкилоти негизида ўтказилган «Миллий истиқлол мафкураси ва миллий қадриятлар» мавзусидаги вилоят семинарида қатнашган ҳудудий партия ташкилотлари котиблари ундан катта таассурот олдилар.

Вилоят партия кенгаши ХДП маҳаллий ташкилотларининг Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш ва рўёбга чиқариш борасидаги ишларини йўналтириш доирасида жойларда тўпланган тажрибани ўрганиб, мавжуд камчиликларини бартараф этишга ёрдам кўрсатмоқда. Сирдарё, Боёвут, Сайхунобод туман партия кенгашларининг шу соҳадаги фаолиятлари тўғрисидаги масала вилоят партия кенгаши ижроия бюроси мажлисларида кўрилиб, уларнинг ибратли ишлари маъқулланиб, барча партия ташкилотларига тавсия этилди.

Ушбу вилоят партия ташкилоти мунтазам равишда ўтказаётган кенг қамровли сиёсий ахборот ҳафталиклари ҳам диққатга сазовор.

Уларнинг давомида жойларда ислоҳотларнинг бориши ҳақида ахборот берилмоқда, мавжуд қийинчиликларнинг сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилмоқда, давлат идоралари вакиллари фуқаролар кўтарган масалаларнинг ечилиши аниқ ёки мумкин эмаслигини тушунтириб бераётирлар.

* * *

**Тошкент шаҳрининг** барча туман партия кенгашларида етакчи сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлар, ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, депутатлар, маҳалла фаолларидан иборат, тарғибот-ташвиқот гуруҳлари тузилган. Уларнинг ёрдамида давлатимиз раҳбарининг асарларини ўрганиш юзасидан услубий ашёлар, турли маълумотнома ва қўлланмалар мунтазам тайёрланиб, бошланғич ташкилотларга юборилмоқда, халқ орасида ишлайдиган фаолларга услубий кўмак кўрсатилмоқда.

* * *

Ўзбекистон ХДП **Фарғона вилояти** ташкилотида партия фаолларини ҳамда давлат ҳокимияти идоралари, корхона, хўжалик ва ташкилотларнинг ХДПга мансуб раҳбарларини оммавий-сиёсий ишларга жалб этиш яхши йўлга қўйилган. Вилоят шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари уларни Мустақиллик куни, Наврўз, Конституция куни ва бошқа умуммиллий байрамлар, атоқли ўтмишдошларимизга бағишланган барча тадбирлар («давра суҳбатлар»и, авлодлар учрашувлари, турли кечалар ва ҳоказолар)ни ўтказишда уларга таянмоқдалар. Чунончи, улар кўмагида ташкил қилинган «Соҳибқирон Амир Темур даври ва миллий истиқлол маънавияти» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда, таниқли жамиятшунос олимлар, тарғиботчилар билан бир қаторда халқ депутатлари, партия фаоллари иштирок этдилар. Партия ташкилотлари бундай жонкуярларнинг беминнат меҳнатини тақдирлашнинг турли шаклларини қўлламоқдалар. Чунончи, ХДП Олтиариқ туман кенгашининг «Муштарий» кичик корхонаси ўз ҳисобидан партия фаолларидан бир гуруҳининг Амир Темур қадамжолари — Шаҳрисабз, Самарқанд ва Бухорога саёҳатини уюштирди.

## ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИ

**«АХТАРГАН ТОПАР».**
**Халқ мақоли.**

Ҳар қандай соҳадагидек, мафкуравий ишларда ҳам ўз таянч нуқталарига зарурат борлиги аллақачон исботланган. Партиямиз тузилмаларида **андижонликлар** бунинг аҳамиятини биринчилардан бўлиб англаб етдилар. Айни шу вилоят қуйи партия ташкилотларида 1992 йилдан бошлаб, тарғиботчи ва ташвиқотчилар, барча фаоллар билан мунтазам ишлаш учун махсус масканларни (уларни «Маърифат» марказлари деб номладилар) вужудга келтириш ҳаракати бошланди. Вилоят партия кенгаши уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади — тажрибалар маъқулланди, кўргазмали семинар ва кўрик-танловлар ўтказилди, матбуотда чиқишлар уюштирилди ва ҳоказолар.

Андижонлик сафдошларимизнинг ушбу ташаббуси, хусусан Марказий Кенгаш Котибиятининг 1996 йил 23 майдаги шу тўғридаги қароридан кейин, бутун партиямизда кенг ёйилди. Ҳозирги кунда, шундай марказлар фаолият кўрсатмаётган вилоят, шаҳар, туман партия ташкилотлари йўқ десак, хато бўлмас. Кўпгина йирик бошланғич партия ташкилотлари ҳам ўз марказларига эгадирлар.

Ҳозирги кунда **Андижон вилоятида** 270 дан зиёд шундай марказлар мавжуд бўлиб, улар жойларда ХДП Дастури, Миллий истиқлол мафкураси ғояларини, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсатини, туб ислоҳотлар йўлини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишдек муҳим ишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Масалан, Асака шаҳар партия кенгаши пленуми ва ижроия бюро йиғилишларида ушбу масала бир неча марта кўриб чиқилиб, қабул қилинган қарорлар бажарилиши назорат остига олинди. Кенгаш ҳузурида тузилган «Маърифат ва маънавият» марказига шинам жой ажратилиб, у кўргазмали ташвиқот ашёлари, тегишли адабиётлар, даврий матбуот нашрлари билан жиҳозланди. Марказ ҳайъати саъй-ҳаракатлари билан ўтказилаётган қизиқарли учрашувлар («Тарихингни ўрганаман, она шаҳрим, Асакам!», «Эл қадрлаган инсонлар» ва ҳоказо), «Касбим — фахрим менинг!» беллашувлари, «Хизр назар қилган юртсан, Асакам!» рукнидаги кечалар, бошқа тадбирлар кўплаб асакаликларнинг, хусусан ёшларнинг, диққатини ўзига тортди.

Жойларда олиб борилаётган маърифий-маданий ишларни мувофиқлаштириш, улар билан шуғулланувчи кучларни бирлаштириш йўлида Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши ҳамда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими битим тузиб, ўзаро ҳамкорлик қилишни йўлга қўйдилар.

* * *

ЎзХДП **Наманган вилоят, шаҳар, туман** кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари қошида 200 дан ортиқ «Маърифат» марказлари мавжуд. Уларнинг фаолиятини талаблар даражасида ташкил қилиш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида вилоят партия кенгаши семинар, кўриклар ўтказмоқда, ёзма ашёлар тайёрлаб, тарқатмоқда. Масалан, «Йилнинг энг намунали партия тарғиботи маркази» кўрик-танлови давомида бирмунча ишлар бажарилди, айрим ўзини унчалик намоён қила олмаётган таянч нуқталари ҳаракатга келдилар, уларнинг ишлари кўзга ташланди. Шундай танловлардан бирининг ғолиби — **Тўрақўрғон тумани** партия кенгаши қошидаги марказ мамлакатимиз йўлбошчисининг келажаги буюк Ўзбекистонни бунёд этиш мақсадида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш, иқтисодий ўзгаришларни жадаллаштириш, жамиятни маънавий янгилаш, давлатимизнинг хавфсизлигини таъминлашга оид сиёсатини фаол тарғиб этиш, ХДПнинг Миллий истиқлол мафкураси ғояларини фуқаролар орасида кенг ёйишга оид амалий ишлари билан танилди.

Вилоятдаги «Маърифат» марказлари нафақат ХДП аъзолари учун, балки, барча аҳолига баравар хизмат қилмоқдалар. Масалан, Наманган «Шойи» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, Янгиқўрғон туманидаги «Нанай» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотларининг «Маърифат» марказлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

* * *

**Навоий вилояти Хатирчи тумани** партия кенгаши ҳузурида ташкил қилинган «Маърифат» марказининг фаолияти ҳам мақташга арзийди. Бу ерда марказ хўжакўрсин учун эмас, балки, жонли ишларни ташкил этиш, ХДП дастурий ғояларини кенг тарқатиш, юртбошимизнинг халқчил сиёсати мазмун-моҳиятини катта-ю кичикка етказиш, фуқароларнинг маънавий юксалишларига кўмаклашиш, фаоллар, тарғиботчи-ташвиқотчиларга услубий ёрдам кўрсатиш учун тузилган. Партия фаоллари, тажрибали тарғиботчилар, нуфузли зиёлилардан иборат, марказ фаолиятини мувофиқлаштиручи услубий кенгаш аъзоларининг иштирокида турли маълумотнома ва услубий ашёлар, маърузалар, табрик хатларининг намунавий матнлари тайёрланмоқда, оммавий тадбирлар, шу жумладан маҳаллаларда, ўтказилмоқда.

Шу ернинг ўзида депутатлар томонидан сайловчиларни мунтазам қабул қилиш йўлга қўйилган.

**Сирдарё вилояти** партия тузилмаларида «Маърифат» марказларининг ташкил этилиши қишлоқ жойлардаги маданият уйлари, клублар, кутубхоналарнинг фаолиятини жонлантиришга кўмаклашмоқда. Чунки, уларни ушбу маданият масканларида ташкил этиш жараёнида биноларни таъмирлаш ва яхшилаб жиҳозлашга эътибор берилмоқда. Марказларни ташкил этиш ва уларда тадбирларни уюштиришга бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари фаол жалб этилмоқдалар. Ташкилотларимиз, масалан, маҳалла ва гузарларда «Маърифат» марказлари ишини йўлга қўйишда «Маҳалла» жамғармаси бўлинмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари билан қалин ҳамкорлик қилмоқдалар.

Ҳозиргача мазкур вилоят партия ташкилотларида 44 та «Маърифат» маркази ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида доимий ҳаракатдаги тарғиботчилар гуруҳлари мавжуд. Улар ишига, вилоят бўйича, 443 партия фаоллари, 65 нафар депутат жалб қилинган.

Вилоят партия кенгаши қошида бир неча йилдан буён ишлаб турган «Мулоқот» сиёсий мунозара клубининг фаолияти ҳам эътиборга сазовордир. 7 кишидан иборат кенгаш клубнинг ишини ташкил этади, жойларда кўчма йиғилишлар, учрашув ва мулоқотлар ўтказади. Одатда, уларда вилоят, шаҳар ва туманларнинг раҳбар ходимлари, мутахассис ва олимлар аҳоли турли гуруҳлари билан учрашиб, бажарилган ишлар, жорий режалар ҳақида йиғилганларни хабардор қиладилар, тўпланиб қолган муаммолар ечими хусусида фикр алмашадилар, 1997 йилда Гулистон туманининг Деҳқонобод қўрғончаси ҳудудий партия ташкилотида уюштирилган, «Ҳудудий партия ташкилоти — маҳалла — жамоатчилик» мавзусидаги, семинарда ҳокимлик, вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази, туман хотин-қизлар қўмитаси, қатор бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари ва маҳаллалар оқсоқоллари иштирок этганликлари туфайли, тадбир мазмунли ўтди ва қатнашчиларга манзур бўлди. «Мулоқот» клуби бунга ўхшаган тадбирларни тез-тез ўтказиб туради.

* * *

Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг, мафкуравий ишлар таянч нуқталарини вужудга келтиришга доир қарорини бажариш **Қашқадарё вилоят** Кенгаши томонидан яхши ташкил этилганлиги боис, ҳозирги кунда бу ердаги барча шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳамда йирик бошланғич партия ташкилотлари қошида, жами 400 тага яқин «Маърифат» марказлари-ю хоналари фаолият кўрсатмоқда.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашиш мақсадида, марказларда «Ҳуқуқий тарбия бурчаклари» ташкил қилинди. Уларда, одатда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлатимиз қонунлари, мамлакатимиз Президентининг Фармонлари, маъруза ва нутқларининг матнлари, ҳуқуқ масалаларига оид матбуотда эълон қилинган материаллар қўйилган бўлиб, улар янгиланиб борилади.

***Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, партиямиз ташкилотлари мафкуравий ишлар билан мунтазам шуғулланиб, бу соҳада маълум ижобий тажриба тўпладилар. Шу муносабат билан, сафдошларимиз, хусусан ХДП кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари котиблари диққатини икки муҳим вазифага, яъни, биринчидан, мавжуд ибратли ишлардан намуна олиб, ҳамма жойда фаолиятимизнинг самарадорлигини оширишга эришишга; иккинчидан, қилинган ишларни ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларнинг янада жозибали ва таъсирчан бўлиши учун изланишларни, саъй-ҳаракатларимизни тўхтатмасликка тортмоқчи эдик. Илло, «Ҳаракатда — баракат!» — деб бежиз айтмаганлар.***

**Ўзбекистон ХДП МК мафкуравий ишлар бўлими.**

## УЧИНЧИ БЛОК ТЎЛИҚ ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАМОҚДА

Май ойининг ўрталарида яна ишга туширилган Чернобиль АЭСининг учинчи блоки мўътадил ишламоқда. Украина электрэнергия бўйича миллий диспетчерлик маркази директори А.Воеводанинг таъкидлашича, станцияда радиоактив вазият ёмонлашгани ҳақидаги гап-сўзлар ҳақиқатдан йироқ. ЧАЭС кунига 1000-1010 меговатт қувват билан ишламоқда. Республика ҳудудида об-ҳавонинг салқин келгани муносабати билан электр қувватига эҳтиёж ҳамон юқорилигича турибди. Шу боис станция тўлиқ қувват билан ишлатилаётир.

## «МАЪНАВИЙ ҲУҚУҚИ» БОР ЭМИШ

*Покистоннинг ядровий синовларни ўтказишга «маънавий ҳуқуқи» бор, бироқ у бундай ниятини амалга оширишга шошилмаслиги лозим. Афғонистон номидан гапирган «Толибон» ҳаракати раҳбарларининг баёнотида шундай дейилади. Агар Покистон ядро синови ўтказадиган бўлса, бу нарса Жанубий Осиёда қуролланиш пойгасининг авж олишига сабаб бўлади. Ҳозиргача учта мусулмон давлати -- Эрон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари Покистон ядро синови ўтказиш ҳуқуқига эга эканлигини тан олишди. Афғонистон Ислом партиясининг раҳбари Гулбиддин Ҳикматёр баёнот бериб бундай деди: «Ҳиндистон томонидан ядро синовлари ўтказилиши наинки Покистонга, балки бутун мусулмонлар оламига таҳдид солади». Собиқ бош вазир Ҳиндистонни огоҳлантириб айтдики, агар «покистонлик биродарларимизга» ҳужум қилинадиган бўлса, унда Афғонистон халқи ҳам ёрдам қўлини чўзишга тайёр. Ҳикматёргача Афғонистондаги ҳеч бир раҳбар бундай баёнот билан чиқмаганди.*

*Куни кеча Покистон бешта ядро синовини ўтказганлиги ҳақида хабар тарқалди.*

## СИЁСИЙ ИҚЛИМ

***Словения Президенти Милан Кучан расмий ташриф билан Германияда бўлди. У ГФР Президенти Роман Герцог, канцлер Гелмут Коль, ташқи ишлар вазири Клаус Кинкель, шунингдек, Бундестаг раҳбари Рита Зюсмут ва бошқа расмий кишилар билан учрашди. Учрашувларда Словениянинг Европа Иттифоқи ва НАТОга аъзо бўлиши ҳамда Косоводаги сиёсий тангликни тинч йўл билан бартараф этиш мавзуларида фикрлашилди.***

* * *

***Вьетнам миллий мудофаа вазири Дао Чонг Лит раҳбарлигидаги мазкур мамлакат делегацияси ўтирган «Як-40» русумли самолёт Лаос осмонида тўсатдан йўқолди. Самолёт Лаосга қарашли эди. Бу ҳақда Вьетнам мудофаа вазирлиги расмий хабар тарқатди.***

***Хабарда айтилишича, 25 май куни Вьетнам делегацияси ўтирган самолёт Вьетнам аэропортидан Сиангкхуанг вилоятига қараб учган. Орадан 40 дақиқа ўтар-ўтмас самолёт радар экранидан йўқолган.***

***Шу куниёқ Лаос қуролли кучларининг махсус бўлинмалари самолёт қулаб тушиши мумкин бўлган жойларда қидирув ишларини олиб борди. Бироқ, ҳозирча ҳеч қандай натижага эришилгани йўқ.***

* * *

***Саудия Арабистони шаҳзодаси, мамлакат ташқи ишлар вазири Сауд Ал-Файсал раҳбарлигидаги мазкур давлат делегацияси Эронга келди. Ўзаро музокаралар чоғида икки давлат ўртасида савдо-сотиқ, иқтисодиёт, техника ва маданият соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди.***

***Маълумки, мазкур икки давлат ўртасидаги муносабатларга 1979 йили Эронда ислом инқилоби юз берганидан кейин анча совуқлик тушган эди. Бироқ, бир йил муқаддам Эронда ҳукумат тепасига Муҳаммад Ҳотамий келгач, Эрон давлати қўшни Араб давлатлари билан алоқаларни яхшилашга жиддий киришди.***

## ЭНЕРГЕТИКА КОРХОНАЛАРИ БИРЛАШАДИ

*Болтиқ денгизи ҳавзасидаги давлатларнинг энергетика корхоналари ўзаро ҳамкорлик қилиш учун «Балтрель» ташкилотига бирлашишмоқда. Швеция пойтахти -- Стокгольм яқинидаги Римо деган жойда бўлиб ўтган вазирлар учрашувида бу ҳақда келишиб олинди. Янги ташкилотга раис этиб Швециянинг «Балтенфаль» энергетика тизимлари раҳбари Карл-Эрик Нюквист сайланди. Болтиқ ҳавзасидаги 11 мамлакатнинг 17 корхонаси ҳамкорликни икки йил аввал бошлашган эди. Улар Болтиқ электр халқасини барпо этишга қарор қилишган.*

## ҚАРОҚЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Душанбе ички ишлар вазирлигининг махсус бўлинмаси тўрт нафар талончини қўлга олди. Улар ўзларини ҳукумат қўшинларининг аскари ёки ҳарбий комиссариат вакили деб таништириб, одамларнинг уйларига бостириб киришган ва қурол ўқталиб, уларнинг мол-мулки ва пулини тортиб олган. Қароқчиларнинг махфий квартирасидан автомат, тўппонча, граната ва бошқа қуроллар топилди.



**ГАНГА УЗРА.** Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

# ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

## ДУШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».

*

8.40 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
9.35 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 Ўзбек киноси ижодкорлари.
10.40 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига «Олам нурга тўлаверсин!».
11.30 «Жаҳон спорти».
11.40 «Жараён».
12.05 Кундузги сеанс: «Мис тоғ бекаси». Бадиий фильм.
13.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
14.10—14.40 «Омад юлдузи». Телеўйин.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Болалар — гуллолалар».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.25 «Кўҳна замин тароналари». Экранда — Самарқанд вилояти.
22.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ипак толадан оптик толагача». Премьера.
22.25 Теннис. Челленжер турнири.
22.40 М. Бобоев. «Кунгил кўчалари». Видеофильм. 7-қўй.
23.20 «Одамлар орасида».
23.45 «Ахборот».
00.10—00.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Ҳимоя».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Дилором наволар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.10 «Саҳрои кабир сири». Телесериал.
21.55 «Бурч ва масъулият».
22.10 Мусиқий лаҳзалар.
22.20 «Юрган дарё».
22.40 «Даракчи» (рус тилида).
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 «Ёш Индиана Жонс хроникаси». Телесериал.
23.50—23.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

**Россия жамоат телевиденеси**
**17.20—20.40**

*

20.40 «Сиз уларни танийсиз». Публицистик кўрсатув.

*

**Россия давлат телевиденеси**
**21.00—21.35**

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Ёвузлик исканжасида». Бадиий фильм.
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

**17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.10 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Умид».
«Айчурек».
20.55 Бож хирож.
21.10 Мусиқий танаффус.
21.15 «Ҳамкорлик».
21.35 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Юлдузча».
22.15 Кинематограф «Омад ҳамиша келавермайди».
23.25 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.45 «Спорт-тайм».
00.15—00.25 «Хайрли тун!»

## СЕШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ассалому аллайкум, азизларим!».
8.55 «Биржа ва банк хабарлари».
9.10 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Оҳанга тўлсин диёр». Мусиқий дастур.
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Она тили.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Математика.

*

12.05 «Олам ва одам».
12.25 «Ранглар жилоси».
12.40 Кундузги сеанс. «Қайнона». Бадиий фильм.
14.10—14.30 «Бола дунёни тебратар».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажвия, ҳангома.
18.35 «Биламиз-у, аммо...»
18.50 «Қалдирғочлар учиб келади». М. Абдуллажонова.
19.10 «Ислоҳот одимлари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Миср муъжизалари».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қўшиқла, ҳаёт гўзал». Мусиқий дастур.
21.30 «Акс-садо».
22.05 П. Қодиров. «Жон ширин». Видеофильм.
23.00 Теннис. Челленджер турнири.
23.15 «Вазият».
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 Ёвойи ҳайвонот олами.
19.10 «Онагинам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.15 «Болливудга нигоҳ».
20.30 «Ахборот».
21.00 Мусиқий лаҳзалар.
21.05 «Саҳрои кабир сири». Телесериал.
21.50 «Даракчи».
22.00 Спорт қитъаси.
22.30 Кундалик.
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Кинонигоҳ.
00.45—00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

**Россия жамоат телевиденеси**
**6.30—8.00**

* * *

**17.20—20.40**

*

20.40 «Абадият тимсоли». Телефильм.

*

**Россия давлат телевиденеси**
**21.00—21.35**

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Тавалл уд».
21.50 Лайза Минелли «Кабарэ» фильмида. 1-серия.
22.50—23.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

**17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 Минг бир маслаҳат.
19.35 Мусиқий лавҳа.
19.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.55, 21.55 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Мусиқий лавҳа».
20.50 «Очиқ дарс».
21.10 Уйингоҳ.
21.25 Телефакт.
21.35 Хит-коллекция.
22.00 «Кувноқ кино».
23.20—23.30 «Хайрли тун!»

## ЧОРШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Дилрабо садолар». Мусиқий дастур.
8.50 «Ҳамкорлик ришталари».
9.10 «Уч қирол жанги». Телевизион бадиий фильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Биология.
11.00 «Маърифат маскани».

*

11.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Фасли ёз».
11.30 «Ако-садо».
12.05 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
12.20 «Эл саломатлиги йўлида».
12.45 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 1-қисм.
13.30 «Зумраша». Ҳажвий киножурнал.
13.40 «Осон эмас бу майдон ичра». Адабий кўрсатув.
14.10—14.30 «Маслак ва мақсад».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.30 «Нуқтаи назар».
18.45 «Зилол-98». Фольклор-этнографик ансамбларининг концерти.
19.05 «Ўзбекистон ва жаҳон».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Ёшлар» телеканали
1. Мулоҳаза, мунозара, муносабат.
2. «Нима учун?»
3. «Кулги-терапия».
22.20 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
22.45 «Қонун ва биз».
23.20 Теннис. Челленжер турнири.
23.35 «Ахборот».
24.00 М. Бобоев. «Кунгил кўчалари». Видеофильм. 8-қўй.
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «XX аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тарона».
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳудуд». Бўстонлиқ тумани.
21.30 «Келин-куёв». Телешоу.
22.20 «Даракчи».
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Экранда — детектив.
24.00—00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.40 Янгиликлар.
16.45 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.

*

**Россия жамоат телевиденеси**
**6.30—8.00**

* * *

**17.25—20.40**

*

20.40 «Бахтли болалик». Телекўрсатув.

*

**Россия давлат телевиденеси**
**21.00—21.30**

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Кабарэ». Бадиий фильм. 2-серия.
22.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
22.55—23.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

**17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05, 22.25 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Парвоз».
20.25 «Шифокор қабулида».
20.35 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.55 «Автосалтанат».
21.05 «Мезон».
21.25 «Нафосат гулшани».
21.55 «Дурдаршан».
22.30 Кинематограф «Қойилмақом жиноят».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

## ПАЙШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Янгра, дутор, танбур». Мусиқий дастур.
9.10 «Уч қирол жанги». Телевизион бадиий фильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Адабиёт.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Физика.
12.05 «Саргайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
12.25 «Ажойиб гилам». Мультфильм.
12.35 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.55 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 2-қисм.
13.40—14.00 «Дунё адабиёти». Г. Лорка.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қунгироқча».
18.25 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.40 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистон бастакорлари». Қ. Комилов.
21.30 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни...». Қизилқумнинг олтин тонги.
22.00 «Оила — маънавият бешиги».
22.30 Теннис. Челленджер турнири.
22.45 «Мулк ва муносабат».
23.00 «Ахборот».
23.25 «Сомон йўли». Маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Жажжи давра». Болалар учун концерт.
18.30 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.45 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.30 «Мумтоз наволар».
21.45 «Саҳрои кабир сири». Телесериал.
22.30 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
22.50 «Даракчи» (рус тилида).
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 Оилавий экран.
00.30—00.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

**Россия жамоат телевиденеси**
**6.30—8.00**

* * *

**17.20—20.40**

*

20.40 «Гўзал пари». Дам олиш дастури.

*

**Россия давлат телевиденеси**
**21.00—21.35**

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Ихтиро-98».
21.50 «Мутахассис». Бадиий фильм. Бош ролда — Сильвестр Сталлонэ.
23.30 «Теннис-клуб».
23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

**17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 «Суҳбатдош».
19.25 «7 дан 70 гача».
19.40 «02» тўлқинида.
19.55, 22.05 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ҳамшаҳарлар».
21.05 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.35 «Каталог».
21.45 «Ҳаммаси мода ҳақида».
22.10 «Киносалон».
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

## ЖУМА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Ёш хонандалар концерти.
8.50 «Юзма-юз».
9.10 «Уч қирол жанги». Телевизион бадиий фильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳаёти».
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Кимё.
11.00 Немис тили.
11.30 «Камолот».
11.50 «Қора қўён». Мультфильм.
12.05 «Харита». Халқаро шарҳ.
12.20 «Жаҳон театри».
12.35 Кундузги сеанс. «Ҳаворанг атиргул». Бадиий фильм.
13.40 «Оламни асранг».
14.10—14.40 «Созга солдим Алпомишни...»

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳикматнома».
18.25 «Фермер». Телетанлов.
18.45 «Қалб гавҳари».
19.05 «Етти иқлим садоси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Маърифатнома».
21.30 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни...». «Тупроғинг бебаҳо Ватан».
22.00 «Ер васфи». Мусиқий дастур.
22.25 М. Бобоев. «Кунгил кўчалари». Видеофильм. 9-қўй.
23.05 Теннис. Челленджер турнири.
23.20 «Туркий қавмлар».
23.35 «Ахборот».
«Мунаввар дунё» дам олиш дастури
24.00 «Азиз сиймолар».
00.20 Бадиий фильм.
01.45—01.50 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...».
18.35 «XX асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.20 Доира зарби.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ҳуш келибсиз!».
20.20 «Тўйғуларим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳар лаҳзада қўшиқ». Қўшиқ ҳусусида.
21.25 «Саҳрои кабир сири». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Саргузашт фильмлар экрани.
23.20 Бокс. Бокс. Бокс.
23.40—23.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.50 Киноафиша.
16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун «Бинафша».

*

**Россия жамоат телевиденеси**
**6.30—8.00**

* * *

**17.20—20.40**

*

20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий кўрсатув.

*

**Россия давлат телевиденеси**
**21.00—21.35**

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Телешифокор».
21.50 Оскар совриндорлари: «Бенгал суворийлари» (1937 й.). Бадиий фильм.
23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

**17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05, 22.20 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Таъзим».
20.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.30 «Бегойим».
20.55 «Дурдаршан».
21.25 «Бу бўстон аро».
21.50 Араб эстрадаси.
22.25 Кинематограф. «Ҳаёт учун хавфли».
23.55—24.00 «Мунаввар тонг истаб...».

## ШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Зиёрат».
9.10 Болалар учун. «Яшил чироқ». Телемусобақа.
9.50 «Шоҳрўх» клуби.
10.10 «Ёшлар» телеканали
1. «Сиз ва биз».
2. «Йигит омон бўлса».
3. «Мен билган, билмаган дунё».
4. «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
5. «Очиқ дарс».
12.10 «Умр мазмуни».
12.30 «Ватан, мадҳингни куйлайман». Мусиқий дастур.
12.50 «Оила ва жамият».
13.15 «Катта танаффус». Телевизион ўйин.
13.55 «Телевидение ва томошабин».
14.25—14.55 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Фламинго». Кинокўрсатув.
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Оқшом эртаклари».
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
21.55 Спорт дастури
1. Теннис. Челленжер турнири.
2. Футбол тарихи.

*

22.30 «Келин-кўёв». Телешоу.
23.20 «Ахборот».
«Тунги ёғду» дам олиш дастури
23.45 «Куй ва тасвир».
00.05 «Оилавий бизнес». Бадиий фильм.
01.45—01.50 Ватан тимсоллари.

II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Боланинг тили».
8.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Яна ўша Насриддин». 1-қисм.
9.05 «Янги ой чиққан кеча».
9.20 «Яхши дам олинг».
9.35 Спорт қитъаси.
10.05 «Лавжой». Телесериал.
10.55 «Мафтункор чеҳралар».
11.55 Болалар экрани.
13.00 «Жозиба».
13.15 «Муҳаббат тарихи». «Орзулар трамвайи». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
14.25 «Шарқ тароналари».
14.40 «Меҳри дарё: Сойиб Хўжаев».
15.25 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
16.10 «Кунгил кунгилга пайванд».
16.40 Бокс. Бокс. Бокс.
17.00 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.45 «Ёрилтош». Мульттўплам.

*

18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким? Бу нима?».
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «Дилбарим».
19.20 Мусиқий лаҳзалар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Гулдаста».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.45 «ТВ ва театр».
22.05 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз».
22.35 «Даракчи».
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ.
00.40—00.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.40 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.45 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.

*

**Россия жамоат телевиденеси**
**17.15—20.35**

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Дўст кулфатда билинади». Бадиий фильм (Чехия).
22.00 «Сиз учун». Дам олиш дастури.
22.35 «Теннис-клуб».
22.55—23.05 «Гўзаллик оламида». Телефильм.

IV

10.00 «Рақслар қанотида».
10.25 Эълонлар.
10.30 «Шанба эртаги».
11.40—12.10 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз!». («Америкага бир назар» курсатувга илова: инглиз тили ҳамма учун)

*

**17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Спектаклдан сўнг».
19.55, 21.45 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Чинсэн».
21.10 «Бу ажиб дунё».
21.25 Хит-коллекция.
21.50 Киносалон.
23.10 Спорт-марказ.
23.40—24.00 «Хайрли тун!».

## ЯКШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ёшлар» телеканали
1. «Ватанимга хизмат қиламан».
2. «Талабалик йилларим».
3. «Маҳорат».
4. «Билим-ринг».
12.20 «Санъат олами».
12.40 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа.
13.20 «Мунаввар даргоҳ».
13.40 «Қарсак». Мусиқий телешоу.
14.20 «Эл севган адиб». Шуҳрат.
15.20—16.00 Усмирлар учун. «Нурли келажак».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
18.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.50 «Ўзспортлотто».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
21.55 «Телевизион миниатюралар театри».
22.30 ТВ-I намойиш этади. Телеанонс.
22.40 Спорт дастури
1. Спорт, спорт, спорт.
2. Футбол тарихи.
3. Футбол майдонларида.
4. Теннис. Челленджер турнири.
«Аср муъжизаси» кинодастури
23.40 Кино янгиликлари.
23.55 Жаҳон киноси юлдузлари.
00.15 «Шарқий экспрессдаги қотиллик». Бадиий фильм. 2-серия.
01.25—01.30 Ватан тимсоллари.

II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Бор экан-да, йўқ экан...».
8.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Яна ўша Насриддин». 2-қисм.
9.10 «Сир».
9.25 «Нозик муъжиза».
9.35 Саргузашт фильмлар экрани.
10.15 «Дойче Велле» тақдим этади...
10.35 «Лавжой». Телесериал.
11.25 «Қўл жанги санъати».
11.40 Дилнавоз садолар.
11.50 Болалар экрани.

*

**«ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ**

12.50 Кўрсатувлар дастури.
12.55 Хорижий эстрада. «АВВА».
13.20 «Муҳаббат тарихи: орзулар трамвайи». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
14.25 Интер-футбол.
15.10 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.55 Сиз ёқтирган қўшиқлар.
16.15 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
16.45 «Мультипанорама».
17.15 «Санта-Барбара». Телесериал.

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.40 «Буш утирма».
19.00 «Нафосат».
19.10 Келгуси ҳафтада.
20.00, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Кенгга — кенг дунё».
20.20 Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Даллас». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 «Қалб таронаси».
22.35 Миллионлар ўйини.
22.55 Якшанба кинозали.
00.10—00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.30 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.35 «Цирк, цирк, цирк».

*

**Россия жамоат телевиденеси**
**18.05—23.40**

*

23.40 Эълонлар.
23.45—00.15 «Таҳлилнома» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
13.30 Телефакт.
13.40 «Ҳаммаси мода ҳақида».
14.00 «Ракурс». Бадиий-публицистик курсатув.
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип антракт.
15.00 Кундузги сеанс.
16.40 Клип антракт.
16.50—17.10 «Сенинг вақтинг».

*

**17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**

*

18.45 «Мультомоша».
19.00, 21.50 Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.45 Клип-антракт.
19.55 «Бугунги кун мавзуси».
20.10 «Хайрли оқшом».
20.40 «Мусиқий Олимп».
21.00 «Иштирок этувчилар».
21.20 Жаҳон киноси янгиликлари.
21.55 Киносалон.
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

## 1. «ТАНАТОЛОГИЯ» НИМА?

Кўпинча эшитиб ёки газет-пазетлардан ўқиб қоламиз, қандайдир сирли даъват одамларни ўлимга чорлагани ҳақида. Масалан, Санкт-петербурглик бир киши ўз уйининг балконида туриб, восвосга тушади, аниқроғи, «ўзингни балкондан ташла!» деган аллақандай буйруққа сеҳрланади ва бунга итоат этмоқчи бўлиб турган пайтда, яъни саккизинчи қаватдан энди ўзини ташламоқчи бўлиб турганда хотини ва қизи келиб қутқариб қолади. Ёки қозонлик бир пенсионер қандай қилиб қўлига пискани олганини ва ўз томирини кесмоқчи бўлганини ўзи сезмайди. Булар ҳақда ҳатто рус газеталари роса ёзишди ҳам.

Хўш, киши жисмида, тўғрироғи, руҳиятида нега бундай «чақириқлар» юзага келади? Инсон деб аталмиш бу жонли тилсимот организмида яна не сир-синоатлар мавжуд?

Инсон руҳиятида юқоридаги каби «чақириқлар» асосан киши руҳий зарба ёки ҳаяжон остида бўлганида юз беради, дейди кўпчилик руҳшунослар. Бироқ шу сингари воқеалар ҳайвонлар орасида ҳам кўп учратилган. Ҳайратлантирадиган томони шундаки, айтайлик китлар ёки дельфинлар бутун бир подаси билан ўз умрларига қасд қилишади. Масалан, 1987 йил Бразилиянинг Иткар қишлоғи яқинидаги қирғоққа 2000 та дельфин ўзини отган. Аргентинанинг Мар-дель-Плата сиҳатгоҳидан унча узоқ бўлмаган жойда 835 та дала қалдирғочининг ўлигига дуч келин

*Vatanni sevmak iymondandur!*

# O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 30 may, shanba № 64 (22.301).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

## БОКС БАЙРАМИГА ҲОЗИРЛАНИБ

*Спорт*

Ёшларни ишга расмийлаштириш чоғида «Касбингиз қанақа?» деган саволнинг берилиши табиий. Бу саволга спортчи, боксчи, футболчи, курашчи деб дадил жавоб бериладиган вақтлар яқин. Боиси ривожланиб бораётган юртимизда спортчилар ҳам жаҳоний мақомларни касб этмоқдалар. Мамлакатимизда спортнинг футбол, бокс, кураш ҳамда теннис турлари айниқса, гуркираб ривожланмоқда, оммавийлашмоқда, моҳир спортчилар тарбиялашда барқарорлик борлиги кўзга ташланмоқда. Албатта, футбол билан теннис давлатимизнинг дунёвий тараққиёт сари одимлаётганидан нишона. Зеро, бокс билан курашда ўзбек феъли мужассам. Боиси қўл жанги билан беллашиш соҳибқирон Амир Темур даврида юрт посбонларига ўргатилган. Шунинг учун бўлса керак боксу кураш бўйича замонавий бахсларга ошуфталик ошиб, спортчилар сафи кенгайиб бормоқда.

Куни кеча пойтахтнинг «Юнусобод» спорт кошонаси гавжумлашганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу ерда эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Гран-при» халқаро мусобақаси даражасида уюштирилган беллашувларда полвонларимиз бешта олтин, олтита кумуш, саккизта бронза медали тўплаб, жамоа ҳисобида биринчиликни қўлга киритишди. Шу кунларда эса бу ерда яна бир қизиқарли мусобақани ташкил этишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Бу сафар бокс мухлислари яйрайдилар. Гап шундаки, 6 июнда профессионал бокс бўйича учрашувлар ўтказилиб, «Бокс-шоу»ни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки, мамлакатда профессионал боксчилар тобора кўпаймоқда. Тошкентда «Анатолринг» клуби фаолият кўрсатмоқда. Артур Григорян, Наримон Отаев, Карим Тўлаганов, Дилшод Ёрбеков, Фурқат Турсуновларга изланувчилар бисёр. Мухлислар куни кеча ажойиб ғалабага эришган Қувончбек Тўйғанбоевнинг зафаридан хабарлари бор.

«Юнусобод» рингида «Қора кобра» деб эъзозланаётган бухоролик Фурқат Турсунов билан россиялик Сергей Королёв ўзаро баҳслашадилар. Маълумки, Фурқат Берлиндаги «Лок Митте» клубида маҳоратини ошириб трансконтинентал чемпиони бўлган. Ҳар иккала чарм қўлқоп устаси Осиё бокс ассоциацияси-нинг «Олтин камари» учун баҳслашадилар. Фурқат бугунгача 15 та жанг қилиб, шундан 7 тасини нокаутлик зарба билан якунлаган. Сергей ҳисобида 10 учрашув бўлиб, иккита нокаутли ютуғи бор.

Асосий учрашувлардан ташқари боксчиларимиздан Фарҳод Арслонов, Фарҳод Бакиров, Рихси Шомирзаев, Уйғун Сиддиқовлар ҳам қизғин баҳсларга ҳозирлик кўришмоқда. Халқаро учрашув бокс байрамига айланиши кутиляпти.

## ҚУЁШ ТАФТИ УЛҒАЙТГАН ЭЛДА

Мана, бир неча йиллардан бери барчамизга таниш ва қадрдон севимли шоир, жанговор журналист Назармат Эгамназаровнинг муборак исми газета-журналлар саҳифаларидан тушмай келади. Унинг эҳтирос билан ёзган шеърий гулдасталари, ҳаёт нафаси анқиб турган очерк, мақолалари, қатор-қатор тўпламлари элга маъқул ва манзурдир.

Назармат аканинг босиб ўтган ҳаёт йўлига бир назар ташласак, суронли жангу жадал йиллари, осойишта, тинч меҳнати билан ўтган шарофатли, саодатли дамлари шоирнинг турмуш тарзию ижодий йўналишини белгилади. Энди университетни бўлиб келишди. Ижодий ҳамкорлик, ўзаро мулоқот узоқ давом этди. Шунда конголик бир журналист Назарматга ўз тилида нималарнидир деди. Назармат ака ҳайрон. Бизлар кулиб юбордик. Конголик журналист ҳайратда, бир Назармат акага қарайди, бир бизга.

Кейин билсак, чет эллик Назармат акани африкалик негрлардан деб ўйлаган экан.

Шоирнинг ҳам, журналистнинг ҳам ҳеч қачон бири икки бўлмаган. Назармат ака «Тошкент ҳақиқати» газетасида бўлим мудири эди-ю, лекин анча қийин ҳаёт кечирарди. Қураётган уйининг томи бир неча йиллардан бери ёпилмай ётарди. Кечқурун саҳифага қўл қўйишни кутиб ўтирганимизда гапдан-гап чиқиб ўзлари ёрилиб қолдилар. «Томга ломбоз босиш учун лой тайёрлаб қўйган эдим, болалар ҳали ёш, қариндош-уруғларим, ўзингиз биласиз Новда яшашади...», дедилар бироз ўксиниб.

Якшанба куни бутун жамоа билан ҳашарга бориб, Назармат аканинг томини ёпиб берганмиз. Раҳматли хотинлари Орифахон ая мазали мошхўрда қилиб берганлар. Бу қадрдон жамоанинг Назармат акага ҳурмати, эҳтироми белгиси эди.

Назармат ака шоир, таржимон сифатида ҳам саховатли ишлар қилди. Икки қардош халқ—тожик ва ўзбек халқлари ўртасида дўстлик, иноқлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, боғлашда бир нодир ижодкор сифатида ўзини кўрсатди. У Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан Кайхисрав достонини, Мирзо Бедилнинг «Комде ва Мудан», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Хусрав Деҳлавийнинг «Мажнун ва Лайли» асарини ўзбек тилига ўгирди. Шу билан бирга атоқли тожик шоирларининг таржимаси ҳам Назармат ака қаламига мансубдир.

Яқинда шоир Назарматнинг «Гул ва гулхан» номли шеърлар, ҳикоялар, қиссалар тўпламини «Шарқ» нашриёт- матбаа концерни чоп этди. У журналист ижодининг қаймоғи десак хато бўлмас. Назармат аканинг содиқ шогирдларидан бири Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов китобга ёзган сўзбошисида дилидаги гапларни тўкиб солибди:

«Назармат ака қутлуғ 80 ёшга тўлмоқда. Салкам 60 йиллик ижодий фаолияти меваси бўлмиш ўнларча шеърий ва насрий китоблар, қўшиқлар ва достонлар ўз мухлисларини топди. Бу китобларда шоирнинг бедор тунлари, ҳаёт ҳақидаги ўй-туйғулари мужассам. Шоир катта ҳаёт ва ижодий меҳнат мактабини ўтди. Даврнинг барча мураккаб кечинмалари, иссиқ-совуғи, яхши-ёмони унинг қалбидан ўтди. Саҳифаларда муҳрланди».

Биз ҳам шогирдларининг фикрларига қўшиламиз. Пиру бадавлат, ишлаб чарчамас, меҳнаткаш шоирга яна ҳам узоқ умрлар тилаймиз.

**Мақсуд ҚОРИЕВ**

фикрлаш, қунт керак. Ана шу хусусиятларнинг барчаси Назармат акада бор. Собиқ тамомлаганида уруш бошланиб қолди. Йигитликнинг энг гўзал дамлари ана шу оғир, суронли йилларга тўғри келди. Бир қўлида қурол, бир қўлида қалам билан ижод қилди. Ўша йиллари унинг жангчилар ҳаётидан битилган қатор-қатор очерклари, ҳикоялари, шеърий гулдасталари фронт газеталарида, шу жумладан республикамиз матбуоти саҳифаларида тез-тез чиқиб турди.

Шоирнинг ижодида уруш йилларининг нафаси ҳали-ҳали акс-садо бериб туради. «Қонимда аланга» шеърида бу ҳақиқатни ўзи ҳам тасдиқлайди:

**Ёлғиз қолганимда элтади хаёл**
**Кексалик тортади қалбимдан мадор.**
**Этарсиз: «жангни кўп ёзар» деб савол,**
**Не қилай, қонимда алангаси бор.**

Белоруссия пойтахти Минскни фашистлардан озод этишда кўрсатган жасорати учун лейтенант Назармат Эгамназаров жанговар юксак мукофот билан тақдирланди. Белорусь халқи чиндан ҳам Назармат акани ўз шоири, халаскори ва ёзувчиси деб билади. Унинг номи жангчи-шоир сифатида «Белоруссия адабиёти ва санъати» мажмуасига киритилган.

Назармат ака урушдан зафар билан қайтиб келгач, «Ўзбекистон овози»да адабий ходим бўлиб ишлади. Мен ҳам 1947 йилда газетага ишга келганимда биринчи бор бу олийжаноб инсон билан танишиб қолганман. Шу-шу дўст, касбдош бўлиб бир-биримизга суяниб ишладик.

Журналист учун ҳамма нарсадан ҳам соғлиқ, соғлом коммунистик тузумнинг машъум йилларида газеталар кечикиб чиқадиган, узундан-узоқ нутқлар, докладлар, қарорлар, марказий газеталардан кўчирилган мақолалар билан тўла замонларда тонготар кечаларни бирга ўтказганмиз. Шундай оғир дамларда кураш, жангларда тобланган Назармат ака чарчаш нималигини билмай, навбатчи

**Истиқлол тонги**

муҳаррир сифатида газета саҳифаларини зийраклик билан, хато ўтказмай пухта ўқиб берар эди.

Бир куни «Тошкент ҳақиқати»да ишлаган кезларимизда Назармат ака Бекободга сафарга чиқсам, ишчилар ҳаётидан очерк, лавҳалар ёзиб келардим, деб қолдилар. Нима бўлдию, Назармат ака керак бўлиб Бекободга телефон қилдик. Редакцияда ҳам, райкомда ҳам йўқ. Кейин билсак, ўзи туғилган юрти Новга ўтиб кетган экан. Қайтиб келганларидан кейин қистовга олган эдик, Бекободдан ёзиб келган бир даста турли мавзудаги материалларни кўрсатди.

-- Ростини айтсам, Бекободдан материалларни олиб бўлгач, туғишганларимни кўриб келай деб Новга бордим. Икки кун кечикиб келдим, ҳиссасини чиқариб юбораман, -- деди шоир кулиб.

Шу-шу редакциямизда гап тарқалиб кетди: Назармат ака Сирдарёга «командировка» олгач, Новга ўтиб келади, -- деган.

Бир куни редакциямизга африкалик журналистлар меҳмон

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
*Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.*
*Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-35.*
*Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.*
*Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.*
*Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.*
*Халқаро ҳаёт — 133-20-36.*
*Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.*
*Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.*
*факс— 133-38-55, 133-54-55*

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 7-58-83;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 133-76-04;*
*Урганчда — 6-51-35;*
*Фарғонада — 24-54-61;*
*Қаршида — 3-25-79;*
*Қумқўрғонда — 5-26-24.*

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

*Навбатчи муҳаррир Алишер РЎЗИЕВ, навбатчи Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматида,28061 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 03

*Босишга топшириш вақти—21.00. Топширилди — 21.15.*
*1 2 3 4 5 6.*

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

## ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

*«ОИЛА—98»*



Фамилияси: *КАТТАБЕКОВ*
Исми: *АБДУЛЛАҲАЙ ҳожи*
Қачон, қаерда туғилган: **1898 йил январь ойида Наманган вилояти Косонсой туманида туғилган. Ҳозир ҳам шу туманнинг Ҳуррият кўчасидаги 45-уйда истиқомат қилади.**

Узоқ умр кўришининг сири: **Умр бўйи савобли ишлар билан шуғулланган. Сув келтирган элда азиз деганларидек, у сув хўжалиги соҳасида меҳнат қилиб, обрў қозонган. Вилоятда биринчи бўлиб трактор бошқарган. Катта Фарғона канали қурилишида тер тўккан. Уни тўрт ўғли, бир қизи ва 73 нафар невара-эваралари ҳамиша эъзозлайдилар. Катта ўғли 73 ёшга тўлган бўлса, энг кичиги 60 йиллигини нишонлади. Ҳалол жисмоний меҳнат ва соғлом оилавий муҳит, фарзандлар меҳр-оқибати узоқ умр кўришга асос бўлган.**

Юз ёшнинг хулосаси: **Инсон зоти юрти, қадрдон маҳалласи, қариндош-уруғлари тинч-хотиржам бўлса узоқ умр кўраверар экан. Айниқса, серқўёш, жаннатмакон Ватанда ҳаёт кечиришнинг гашти бўлакча. Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришганлигини, ҳозирги эркин ҳаётни кўрсатганлиги учун Яратганнинг ўзига беадад шукур.**

*Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.*

## БИР КУНИ...

### «ҲУРМАТ»

Керакли-кераксиз қоғозларга «бурканиб» ўтирган раҳбар аввал газетамизни роса мақтади. Ҳар куни ўқишини бир неча маротаба қайта-қайта такрорлади. Телефон жиринги эса суҳбатимизни бўлди. У қачон тушликка чиқишини, қайси ресторанга неча киши боришини, ҳамсуҳбатининг телефон рақамларини ҳам газетанинг биринчи саҳифасига ёзиб олди...

### ...ИШИНГ ТУШМАСИН

Шундай «оғайни»лар борки, сенга ишлари тушса битиргунингча ҳолижонингга қўйишмайди. Муродлари ҳосил бўлгач, раҳмат дейиш ҳам ёдларидан кўтарилади. Ўшандайларга кунинг қолмасин-да. Мабодо бирор-бир юмуш билан бориб қолсанг, «бурунлари осмон»ни «забт» этади-я!

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

АЙЛИН
ГЫДА САНАЙИ КОМПАНИ
aylin
Мустақил Ўзбекистоннинг бахтиёр фарзандларини Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни билан самимий муборакбод этади.
Корхонанинг «Пикник», «Фингер», «Кремали», «Айлин-паша» ва «Жангл» каби 18 хил печеньелари айнан сиз болалар учундир.

МАНЗИЛ: офис – Тошкент ш. Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй. Тел: 34-53-65, 35-81-00
Фабрика- Тошкент вилояти Оҳангаран тумани, Ҳолмуҳамедов кўчаси Тел: 6-264. 5-10-76

ТАШКИЛОТ
Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган пиёз маҳсулотини солишга мўлжалланган
ТЎР СЕТКАЛАРНИ СОТАДИ
*Манзил: Алмати шаҳри, телефон: код (3272) 31-29-69.*

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти томонидан 1995 йилда Рубен Рудикович Гарибеянц номига берилган № 033697 рақамли ва рўйхатдаги № 352 сонли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

АВТОКОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ЎзАСК «Йўловчи» ҲЖ Тошкент филиали Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни таклиф этади
— Двигатель — ГАЗ-24
— Двигатель — ГАЗ-53
— Насос мойли — ГАЗ-24, ГАЗ-53
— Насос сувли ГАЗ-24, ГАЗ-53.
— Автошиналар (205х70х14)
— Аккумуляторлар: АТ-1, АТ-3
— Гильзопоршень гуруҳи
— Тирсакли Валлар
— Блок ёпқичлари
— Улаш дисклари
— Карбюраторлар
— Руль механизмлари
— Компрессорлар
— Поршень халқалари
— Мотор Вкладишлари
— Шатун Вкладишлари
— Улагичлар тўплами
*шунингдек, «ГАЗ-24», «ГАЗ-31», «ГАЗ-53», «ЗИЛ-130», «МАЗ», «КамАЗ», «КрАЗ» автомобиллари учун 400дан ортиқ турдаги эҳтиёт қисмлари.*
Ҳақ тўлаш – пул ўтказиш йўли билан.
Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 47.
Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-19. Факс: (3712) 54-76-31.

«ҒАЗАЛКЕНТ ОЙНА» ОТҲЖ
3-4 мм қалинликдаги 400х500 ммдан 1100х1600 ммгача ўлчамдаги дераза ойналарини бозордан арзон нархда ҳеч қандай чекловсиз
СОТАДИ
Алоқа телефонлари: 28-234, 28-451, 21-735
*Манзилгоҳ: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани Искандар поселкаси, Фурқат кўчаси, 102*

## ХАЛҚ ТОПИБ АЙТАДИ

**Бугунги жаҳлни эртага қўй.**
***
**Палагига қараб хомаги.**
***
**Қаймоқ тўкилса юқи қолади, Айрон тўкилса нима қолади?**
***
**Ота — оила султони.**
***
**Ўғлим еб ўрга кетар, Қизим еб қирга.**
***
**Шаллақига шаҳар кенг.**
***
**Сув тилаган жойда азиз.**
***
**Жигар сели, беҳи ҳиди билан.**
***
**Оғизни боғлаган бой бўлади.**
***
**Пулни йиққан билан тўплаб бўлмас. Уни уйган билан тепа бўлмас.**

**Тўпловчи Юнус ЗИЁДОВ**

«Ўзбекистон овози» таҳририяти жамоаси газета ходими Гулфия Жумабоевага отаси
**Муҳаммаджон ЖУМАБОЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.